



МАДАНИЯТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ НАШРИ

№8 (38) 21.02.2019 йил

Пресс-тур

Тошкент ҳайвонот боғида жиддий ўзгаришлар кутилмоқда



Ҳайвонот боғлари фарзандларимизга она табиат ҳақида кенгроқ тушунча бериш билан бирга, табиатни севишга, барча жонзотларга меҳр-мурувватли бўлишга ўргатади. Кейинги пайтда уни янада ободонлаштириш, ташриф буюрувчиларга намунали хизмат кўрсатишни таъминлаш мақсадида, бир қанча янги лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, пойтахт аҳолиси ва меҳмонлари ташриф буюрадиган Тошкент ҳайвонот боғида ҳам анча ўзгаришлар кутиляпти.

19 февраль куни Маданият вазирлиги ҳамда мазкур ҳайвонот боғи мутасаддилари ташаббуси билан ОАВ учун пресс-тур ўтказилди. Боғ директори Баҳодир Мусаев пресс-тур иштирокчиларига сайлгоҳ тарихи, бугунги ҳолати ва уни янада яхшилаш учун режаланаётган янги лойиҳалар ҳақида

сўзлаб берди.

Бугунги кунга келиб, Тошкент ҳайвонот боғининг умумий майдони 21,5 га майдонни ташкил этади ва унда дунёнинг турли мамлакатларидан келтирилган 352 турдаги 9 мингдан зиёд ноёб ва "Қизил китоб"га киритилган ёввойи ҳайвонлар, парранда

ва даррандалар ҳамда сув жонзотлари мавжуд. Шунингдек, "Аквариум", "Террариум", "Маймунлар", "Йиртқичлар", "Туюқлилар", "Қушлар", "Тўтилар", "Виварий", "Майда сут эмизувчилар", "Инсектарий", "Сувда сузувчи қушлар", "Ёш табиатшунослар" каби зоологик бўлимлар фаолият кўрсатиб келмоқда.

Давоми 2-саҳифада >>

Ушбу сонда

Халқ достончиси сўз зарғари бўлиши керак



4-саҳифада >>

АССИТЕЖ халқаро учрашуви бўлиб ўтди

Ижодий давра суҳбатида Евроосиё мамлакатларидан ташриф буюрган 20дан ортиқ театр усталари ва мутахассислар иштирок этди.

5-саҳифада >>

«Бобур ҳақида қисса» тез орада тақдим этилади



8-саҳифада >>

Сўхбат

“Спектакль савияси юқори бўлса,

томошабин театрни танлайди”

Ўзбекистон Давлат Ёш томошабинлар театрида ўтказилган соҳа мутахассисларининг ижодий давра суҳбатида Евроосиё мамлакатларидан ташриф буюрган 20дан ортиқ иштирокчи қатнашди. Унда “Болалар театрида спектаклларни саҳналаштириш жараёнида ёш мезонларини белгилаш” мавзусида фикр алмашинди.

Тадбир қатнашчиларидан бири, грузиялик меҳмон — Нодар Думбадзе номидаги Тбилиси Ёш томошабинлар театрининг бадий раҳбари Дмитрий Хвтиснашвилига бир нечта саволлар билан мурожаат қилдик.

— Бугунги интернет тизими, тармоқ ичидаги турли ўйинлар барча томошабинлар қатори болаларни ҳам ўз домига тортаётган пайтда театр репертуарини танлашда қайси мезонларга амал қилясиз?

— Нодар Думбадзе номидаги Тбилиси давлат марказий театри 1998 йилда Грузин ва рус ёш томошабинлар театри, қўғирчоқ театрининг бирлаштирилишидан юзага келган. Бугун ре-

пертуаримизда катталарга ҳам, болаларга ҳам мўлжалланган спектаклларимиз бор. Мақсадимиз, ахборот кўп бўлган бўҳронли даврда инсон ўзлигини сақлаб қолиши кераклигини ва кадрятларимизни томошабинга етказишдан иборат. Театрнинг инсоний фазилатларни томошабинга сингдириш анъанасини қадрлаймиз. Саҳнада грузин либосини кийиб, грузинча рақс тушгани билан актёрда грузин қалби,

инсонийлик туйғулари бўлмас экан, томошабин унга ишонмайди.

Ҳозирги томошабинга асар тақдим этишнинг янги усул ва йўналишларини излаб топиш шарт. Ёш режиссёримиз Николаз Сабашвилининг “Туғилган кун”, Котэ Мирианшвилининг “Саламура” камер спектакллари сўзсиз ижро орқали томошабинга фикр етказиладиган саҳна асарларидан ҳисобланади.

Давоми 2-саҳифада >>



Навоий ҳикматлари

Бефойда сўзни кўп айтма ва фойдалиқ сўзни эшитурдин қайтма.

Тилинг билан кўнглингни бир тут, Кўнгли ва тили айтқон сўзга бут.

Бордур инсон зотида онча шараф, — Ким ямон ахлоқин этса бартараф.

» Давра суҳбати

Саида Зуннуновани хотирлаб...

Хоразм вилоятидаги Боғот туман Кўзи ожизлар кутубхонасида энгил саноят КХК ахборот-ресурс маркази билан ҳамкорликда “Саида Зуннунова — гўзал ва дардчил шоира” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.


Шоира таваллуд топган кун муносабати билан ўтказилган

ушбу тадбир учун унинг асарлари асосида китоб бурчаги ташкил қилинди. Саида Зуннунова номи ўзбек шеъриятида нафақат қалами ўткир ижодкор, балки садоқатли ёр, самимий, пўлат иродали, матонатли аёл тимсолида эсланиши таъкидланди. Тадбир давомида тала-

балар шоира қаламига мансуб шеърлардан намуналар ўқишди. Шунингдек, ёшларга адабнинг “Бўйларингдан ўргилай”, “Сўқмоқлар” каби қисса ва ҳикояларини ҳам мутолаа қилиш тавсия қилинди.
З.ОТАЖОНОВА,
Боғот туман Кўзи ожизлар кутубхонаси мудираси



» Матбуот анжумани



Малакали кадрлар тайёрлаш — давр талаби

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида “Малакали кадрларнинг мамлакат тараққиётидаги ўрни” мавзусидаги матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, “Эл-юрт умиди” жамғармаси вакиллари иштирок этган тадбирда бугунги кунда салоҳиятли кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизimini ривожлантириш, давлат ва жамият бошқаруви соҳасида фундаментал ҳамда амалий-илмий тадқиқотларни олиб борувчи мутахассислар салоҳиятини кучайтириш борасида маърузалар тингланди.

Сўзга чиққанлар Давлат бошқаруви академияси ва унинг ҳудудий филиалларининг бугунги кундаги фаолияти, олий таълим муассасаларига талабаларни жалб этиш қамрови кенгайгани, “Эл-юрт умиди” жамғармасининг ўз олдига қўйган асосий мақсадлари ҳусусида батафсил тўхталишти. Таъкидланишича, академияда иккита илмий даража берувчи илмий кенгаш фаолияти йўлга қўйилган. Етти мутахассислик бўйича 18 нафар докторант ва 52 нафар мустақил изланувчи томонидан илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Мазкур ўқув йилида академиянинг 38 нафар тингловчиси Бельгия, Германия, Франция, Жанубий Корея, Хитой, Македония, Қозғистон каби давлатларда малака ошириш курсларида ўқишди. Шунингдек, ўқув ва илмий-тадқиқот жараёнининг самарадорлигини ошириш мақсадида Исроил, Россия Федерацияси, Япония, Буюк Британия сингари мамлакатлардан 15дан ортиқ малакали экспертлар жалб қилинган ва кутилаётган натижалар ҳусусида муҳим маълумотлар келтириб ўтилди.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олишти.

М. КАРИМОВА

» Давоми. Боши 1-саҳифада

Тошкент ҳайвонот боғида жиддий ўзгаришлар кутилмоқда

Тошкент ҳайвонот боғи 2000 йилдан бошлаб ЕАРАЗА (Ҳайвонот боғлари ва аквариумларнинг Евроосиё ҳудудий ассоциацияси) халқаро ташкилотга аъзоси ҳисобланади. Бу хорижий давлатлар ҳайвонот боғлари билан яқиндан алоқа ўрнатиш, ҳайвонларни ўзаро айирбошлаш ҳамда улар ҳақида қимматли маълумотлар олиб туриш имконини бериб келмоқда. Жумладан, ўтган давр мобайнида Россия, Исроил, Қозғистон, Украина, Хитой каби давлатларнинг ҳайвонот боғлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга эришилди. Бир қатор ўзаро манфаатли шартномаларни амалга ошириш ишлари ҳозир ҳам давом этмоқда.

Ҳайвонот боғида жониворларнинг кўпайишлари учун табиий муҳитга яқинлаштирилган шароитлар яратилган. Натижада турли экзотик ва “Қизил китоб”га киритилган ҳайвонлардан насл олишга эришилмоқда. Масалан, кенгуру, шер, йўлбарс, оқ тирноқли айик, аддакс, лама, африка туякуши, камерун эчкилари, эублефар (геккон), бўғма илон, кондор, оқ бошли сип, сансан каби йиртқич қушларни кўпайтириш имкони яратилди. Қолаверса, бевосита зоотехник ва ветеринар ходимларнинг доимий кузатуви ва парварши яхши йўлга қўйилган.

» Давоми. Боши 1-саҳифада

“Спектакль савияси юқори бўлса, томошабин театрни танлайди”

Актёр ва томошабин ўрта-сидаги жонли мулоқотни ҳеч қандай виртуал ўйин ёки томоша, ТВ, кино боса олмайдди. Театрда савияси юқори спектакль қўйилар экан, томошабин доим театрни танлайди.

— Ўзбекистон Еш томошабинлар театри томонидан намойиш қилинган “Шум бола” спектаклини томоша қилдингиз. У ҳақда таассуротларингиз қандай?

— Спектаклнинг ютуғи — унда миллий колоритни бера олганликларида. Бироқ, сахна декорациясини ўзгартириш ке-



2018 йил яқунларига кўра Тошкент ҳайвонот боғига ташриф буюрувчилар сони 604349 нафар кишини ташкил этган. Боғ давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига молиялаштирилди. 2018 йилда эса умумий пул тушуми 5 549 213 505 сўмга тенг бўлган.

Янгиликлар ҳам бир талай. Боғ ҳудудида чучук сувда яшовчи балиқлар умумий ҳажми минг тоннани ташкил этувчи “Акванариум” мажмуасини қуриш лойиҳасини амалга ошириш режаси қабул қилинди. Янги мажмуада балиқлар ва денгиз жониворларининг умумий ту-

рини 2 баробарга ошириш кўзда тутилган. “Акванариум” балиқлар экспозициялари билан бир қаторда пингвин, тюлень, денгиз мушуги, нерпа каби денгиз жониворларини сақлаш ва уларни намойишга тайёрлаш учун мўлжалланган сув ҳовузларини ўз ичига олади. Шу билан бирга мажмуада Wi-fi ҳудудига эга 200 ўриндиқли замонавий кинотеатр, қаҳвахона ва ҳайвонот боғи музейини жойлаштириш ҳам истиқболда турибди.

Навбатдаги яна бир вазифа мавжуд вольтерларни (қафас) реконструкция қилиш ва коллекциянинг сон ва тур таркибин кенгайтириш учун янги замонавий вольтерлар

қуришди. Шунингдек, жи- раф вольтери ёнидаги бўш ерда каркидонлар учун майдонча қурилади.

Учинчи янгилик эса ҳайвонот боғининг қуйи қисмидаги чегарадош Ботаника боғидан 15 га ер бириктириб бериш ҳисобига “Сафари боғи” ташкил этиш лойиҳасидир. Бу боғда томошабинлар ҳайвонларни кузатишлари учун барча хавфсизлик талабларига мос равишда ҳудуд атрофи бўйлаб ўтувчи айлана осма аркон йўлини ташкил этиш режалаштирилган. Ушбу лойиҳалар давлат-хусусий шерикчилик шартлари асосида амалга оширилади.

Пресс-турда маълум қилинишича, айни пайтда ҳайвонот боғининг интернет тармоғида Tashkentzoo.uz сайти ҳамда “facebook” ижтимоий тармоғидаги саҳифалари орқали барча маълумотлар, янгиликлар ҳамда амалга оширилаётган ишлар ҳусусида ахборот, фотосуратлар ва видеоматериаллар бериб борилади. Шунингдек, боғда амалга оширилаётган ишлар билан мактаб ўқувчиларини, ёш табиатшуносларни таништириш борич, боғ ходимлари учун илмий-методологик, маънавий-маърифий мавзуларда машғулотлар ўтказиш учун замонавий видеопроектор, фото, аудио ва видеоускуналардан фойдаланиш йўлга қўйилган.

А.МЎМИНОВ

ракикин... Либослар рисоладагидек, ижро ҳам ўзига тортади, ундаги рақслар ранг-баранг. Билмадим, эҳтимол, менга шундай туюлгандир, бироқ спектаклда сўзларнинг кўплиги томошабинни, айниқса, еш томошабинни зериктирса керак.

— Мамлакатимиз театрида хориждан режиссёр чақириб тажриба алмашишга кенг йўл очиб берилмоқда. Сизга ҳам шунақа таклиф бўлиб қолса, қандай жавоб берган бўлардингиз?

— Бу албатта, талаб ва таклиф қонуниятга бўйсунувчи


жараён. Агар Ўзбекистонга спектакль сахналаштиришга таклиф этишса, бажону дил рози бўлмаган. Халқаро болалар ва ёшлар театрлари ассоциацияси — АССИТЕЖга бизнинг театр ҳам аъзо. Ўзбекистонга АССИТЕЖ доирасида йигилишимиздан кўзланган мақсад ҳам спектакллар намойиши, уларнинг муҳокамаси ва болалар театри олдига вужудга келган ҳамда келаётган доллар муаммоларни ҳал қилиш учун семинар, давра суҳбати ўтказиб фикр алмашиш эди. Ўзбек томошаби-

нини сахнада кўрсатилаётган воқеага қандай муносабат билдириши ҳамда ҳаяжонини кузатдим. Ҳозирча дастур доирасида намойиш қилинган битта “Шум бола” спектаклини бизнинг театр ҳам кўришим керакдир балки... Кисса, театр мутахассисларининг ўз олдига қўйган ягона вазифаси томошабин меҳрини қозониш, санъатга муҳаббатини оширишдан иборат бўлиши зарур.

Нигора УМАРОВА
суҳбатлашди.

Вилоят маданият марказларида

“Театр ва кино ҳақида”



Қарши шаҳар маданият марказида вилоят олий ўқув юрти талабалари, умумий ўрта таълим мактаблари ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари иштирокида “Театр ва кино ҳақида” деб номланган бадиий кеча бўлиб ўтди.

Республика кинопрокат маркази ДУК Қашқадарё вилояти филиали ва Қашқадарё вилоят маданият бошқармаси билан ҳамкорликда ташкил қилинган

ушбу тадбир давомида Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, театр ва кино актёри Исоқ Тўраев билан давра суҳбати ҳам ташкил этилди. Унда актёр ўз ҳаёти, ижоди, келгуси режалари ҳақида йиғилганлар билан дилдан суҳбатлашди.

Давра суҳбатидан сўнг актёр иштирокидаги “Тинчлик ортида” бадиий фильми намойиш этилди.



Давра суҳбати



Халқаро ҳамкорлик

Қарши туман маданият марказида Германия халқ университетлари ассоциацияси (DVV)нинг Ўзбекистондаги филиали вакиллари иштирокида “Германия халқ университетлари фаолиятининг мақсад ва вазифалари” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда Қашқадарё вилояти ва Касби, Қарши, Косон, Муборак туман маданият марказлари вакиллари, маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари иштирок этди.

Давра суҳбатини уюшманинг Ўзбекистондаги филиали вакили Нодир Раҳимов олиб борди. У филиал томонидан Ўзбекистон Республикасининг айрим вилоятларидаги маданият марказларида яратилган шарт-шароитлар ҳақида маълумот бераркан, ташкил этилган тўғарақларга марказлар жойлашган ҳудуд аҳолисини кенг жалб қилиш зарурлигини таъкидлади.

Тадбир якунида Қашқадарё вилоят маданият бошқармаси томонидан Қарши туман аҳолисининг бандлигини таъминлашда яратиб берилган шарт-шароитлар учун Германия халқ университетлари уюшмасининг Ўзбекистондаги филиалига вилоят ҳокимлигининг ташаккурномаси топширилди. Шундан сўнг туман маданият маркази ижодий жамоасининг концерт дастури намойиш этилди.

Унда Қашқадарё вилояти ва Касби, Қарши, Косон, Муборак туман маданият марказлари вакиллари, маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари иштирок этди.

Семинар

Сайёҳларга маданий хизмат кўрсатишда Бухоро тажрибаси

16 февраль куни Бухоро шаҳрида Ўзбекистон давлат филармонияси томонидан ташкил қилинган “Ўзбек халқ муסיқий мероси ижрочилик услубларининг долзарб муаммолари”, “Хорижий сайёҳларга маданий хизмат кўрсатиш бўйича Бухоро тажрибаси” мавзусида республика семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон давлат филармонияси раҳбарияти ҳамда вилоятлардаги бўлинма директорлари иштирок этган анжуманда хорижий сайёҳларга маданий хизмат кўрсатиш бўйича Бухоро тажрибасини амалда қўллаш таклифи билдирилди.

Семинар-кенгаш якунида Ўзбекистон давлат филармонияси Бухоро вилоят бўлинмаси ҳузуридаги “Бухорча”, “Бухоро мавжлари”, “Бухоро гўзаллари”, “Мавриги” ансамбллари томонидан тайёрланган концерт дастури намойиш қилинди. Шунингдек, “Буюк ипак йўли” деб номланган махсус театрлаштирилган томоша намойиш этилди.

Диққат, танлов!

Марғилонда халқаро фольклор муסיқа фестивали



Маданият ва санъатнинг ноёб намуналарини кенг тарғиб қилиш, уни асраб авайлаш, ривожлантириш ҳамда халқлараро дўстлик, биродарлик ришталарини янада мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги Қарори билан “Буюк ипак йўли” Халқаро фольклор муסיқа фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тасдиқланган эди. Ушбу фестивал биринчи бор 2019 йил 11-13 июль кунлари Фарғона вилоятининг Марғилон шаҳрида ўтказилиши маълум қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамда Фарғона вилояти ҳокимлиги томонидан ташкил қилинадиган мазкур тадбирда:


- қўшиқчилик санъати (алла, лапар, терма қўшиқлари, бахшичилик ва бошқалар);
- рақс санъати (турли ҳудудларга хос халқ рақслари);
- қадим миллий фольклор чолғучилик санъати (миллий муסיқа асбобларида асарлар ижроси) бўйича танловлар ўтказилади.

Фестивалнинг I босқичи ҳудудларда ўтказилади. Уларнинг якунларига кўра ҳудудий маданият бошқармалари 10 майга қадар кейинги босқичлар учун иштирокчиларни тавсия этадилар.

Фестивалнинг II босқичи Тошкент шаҳрида июнь ойининг иккинчи ярмида, номинациялар бўйича сиртдан танлов шаклида ўтказилади. Якуний босқич ушбу натижа асосида 11-13 июль кунлари Марғилон шаҳрида бўлиб ўтади.

Табиат ва инсон

Музейлар – тарихимиз кўзгуси



Навоий вилоятидаги Нурота табиий-меъморий мажмуа музейи кўп йиллик тарихга эга маскан. Музей расман 2003 йил 19 сентябрда ўз фаолиятини бошлаган.

Туманимизнинг туристик салоҳиятини янада юқори даражага кўтариш, ички туризмни шакллантириш, сайёҳлар сонини ошириш, уларга туманнинг тарихи, ўтмиши, ҳозирги ҳаётини кенг қамровли намойиш этиш мақсадида музей ходимлари томонидан илмий изланишлар олиб борилиб, экскурсиялар ташкил этилмоқда.

Жумладан, 2018 йил мобайнида музейда ЎзР ФА Археологик тадқиқотлар институти билан ҳамкорликда қазилма ва илмий тадқиқот ишлари олиб борилди. 160 дан ортиқ экскурсиялар, 17та кўчма кўргазма, 16та тадбир ва давра суҳбатлари ўтказилди.

Сўнгги йилларда республика миқёсида ўзига хос мавқега эга бўлган Нурота табиий-меъморий мажмуаси маҳаллий ва хорижий сайёҳларнинг доимий саёҳат манзилига айланди. Натижада туманимизда туризм соҳасининг ривожини учун алоҳида аҳамият касб этади. Шу ўринда музейга ташриф буюрувчилар билан бирга музей экспонатларининг ҳам бир неча баробарга кўпайганини таъкидлаш жоиз. Бу эса халқимизнинг маънавий салоҳиятини юксалтириш, айниқса, ёш авлоднинг тарихимизга бўлган қизиқишини ошириш, уларни миллий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим роль ўйнайди.

И. БАХРИДДИНОВ,

Нурота табиий-меъморий мажмуа музейи илмий ходими

Ифтихор

Ҳам ҳордиқ, ҳам тарбия

14 февраль куни она шаҳрим Самарқанддаги буюк саркарда ва мутафаккир Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллуди нишонланаётган 2-маданият марказига бордик. Марказ бадиий раҳбари Гулсара Латипова бизни бир гуруҳ нурунийлар ёнига бошлади.

Бир-биридан гўзал ғазалу рубоийлар билан бошланган тадбирни томоша қилар эканман, беихтиёр ўқувчилик, ўсмирлик чоғларим кўз олдимда гавдаланди. У пайтларда кўрганларимни хотирларканман, “Ким эдигу, ким бўлдиқ?” деган саволга жавоб топгандек бўлдим. Зеро, маданият марказида уюштирилаётган “Тарихий хотира-сиз келажак йўқ”, “Ёшлар гиеҳвандликка қарши”, “Бетақроримсан, ягона ватаним — Ўзбекистон!” мавзуларидаги тадбирларнинг барчаси аҳолини, айниқса, ёшларнинг маънавиятини юксалтиришга, маданий савиясини оширишга, ватанпарварлик, тарихга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилади. Шу боис, ҳар гал бу каби тантаналарга набирани етаклаб боравераман.

Шароф МАЪРУПОВ,
Чилхуқ МФЙ фуқароси

Халқаро алоқалар

Ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди




Ўзбекистон Республикаси маданият вазири Б.Сайфуллаев Корея Республикаси Маданий мерос Администрациясининг делегацияси билан учрашди. Ўзаро ҳамкорликка бағишланган мазкур учрашувда Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси лабораториясининг техник базасини такомиллаштириш, Афросиёб музейида жойлашган фрескаларни ойнали восита билан жиҳозлаш бўйича

музокаралар олиб борилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири ва Корея Республикаси Маданий мерос Администрациясининг делегацияси ўртасида Англашув меморандумини имзолаш, музей ходимларининг ўзаро тажриба алмашинуви ҳамда ҳамкорликда семинарлар ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди.

Н.Содиқова

Анжуман

Абадиятга дахлдор сиймолар



Андижондаги “Бобур ва жаҳон маданияти” музейида Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 536 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Бобур номидаги халқаро жамоат фонди томонидан Бобур ва Бобурийлар ҳаёти, ижодий меросини ўрганиш, тарғиб этиш ва бошқа қатор масалалар юзасидан амалга оширилётган ишлар ҳақида маърузалар тингланди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги халқаро жамоат

фонди, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Андижон вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан ташкил этилган ушбу тадбирда Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш элчилари, Ҳиндистон Маданият маркази вакиллари, Қирғизистон, Афғонистон ва бошқа давлатлардан келган меҳмонлар иштирок этишди. Унда Бобурнинг ҳаёти ва ижоди, қолдирган бадиий ва илмий меросини тадқиқ этиб келаётган хорижий ҳамда ўзбекистонлик бобуршунос олимлар, профессор-

ўқитувчилар, талабалар ва кенг жамоатчилик вакиллари ўртасида ўзаро фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ижросини таъминлашга қаратилган ишлар ҳам таъкидланди. Жумладан, ўтган йилларда Ҳиндистонга уюштирилган сафар давомида Бобурнинг 150га яқин нодир ва

ноёб қўлёзма асарлари ҳамда аждодларимиз меросига оид китоблардан нусхалар олиб келинган ва бу асарларни кўргазмага қўйиш бўйича ишлар олиб борилаётгани маълум қилинди.

Тадбир давомида Бобурнинг ҳаёти ва ижоди, моддий ва маънавий меросини, Бобурийлар тарихи ва маданиятини ўрганиш ва тарғиб этишга бағишланган, халқлар ўртасида дўстлик ва қардошлиқ ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган, юксак савияда бажарилган илмий тадқиқотлар,

адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги асарлар учун бериладиган Бобур халқаро мукофоти шоир, таржимон, журналист Мирзо Кенжабекка топширилди. Бундан ташқари, “Тафаккур бўстони” китоби ва ўзбек-қирғиз халқи ва адабий муҳитини мустаҳкамлашдаги хизмати учун қирғизистонлик олим Бекижон Аҳмедов ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобурга оид шеърӣ тўпламлари учун Қоражон Қодировлар фахрий ёрлик билан тақдирланди.

Абдуқодир МҰМИНОВ

Бахшичилик

Халқ достончиси сўз заргари бўлиши керак

Достонлар асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб, инсоният маънавий тараққиётига хизмат қилиб келаётган халқ оғзаки ижоди намунаси. Ўзбек халқ достонларида халқимиз бадиий тафаккурининг жуда бой ва қадимий анъаналари мужассам.

Достончилик санъатининг бадиий анъаналари халқ бахшиларининг такрорланмас амалиёти ва тинимсиз меҳнати орқали бизгача етиб келган. Шу тариха бир-биридан гўзал, бир-биридан сара термалар ва достонлар ҳали-ҳануз тингловчилар эътиборига ҳавола этиб келинмоқда. Улар қадимдан инсон қалбининг энг нозик торларини чертиб, эстетик ва руҳий озиқ улашиб келган.

Бахши — қўшиқ ва достонларни ёддан куйловчи, айтувчи, авлоддан-авлодга етказувчи санъаткор, халқ достончиси. Бу йўналиш вакиллари ижрочи ва ижодкор бахшиларга бўлиниб, ижрочи бахшилар, асосан, устозидан ўрганган достонларни жузъий ўзгаришлар билан айнан куйлайдилар. Ижодкор бахшилар эса оғзаки эпик анъана асосида достоннинг ўз вариантлари, ҳатто улар асосида янги достонлар ҳам яратадилар. Бахшилар достон ва қўшиқларни қўбиз, дўмбира, дутор каби созлар жўрлигида куйлайдилар.

Республикамызнинг Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Хоразм вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларида бахшичилик санъати ривожланган бўлиб, ҳозирги кунда Булунғур, Қўрғон, Шаҳрисабз, Қамай, Шеробод, Хоразм ҳамда Қорақалпоқ достончилиқ мак-

таблари мавжуд. Улар бир-биридан ижро усуллари ва репертуарлари билан фарқланади.

Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд бахшичилик мактаби вакиллари қўшиқни дўмбира жўрлигида бўғиқ, яъни ёпиқ овозда ижро этиб, достон жараёнига очиқ овозда таъриф берадилар. Шеробод бахшичилик мактаби достонлари эса ўзининг соддалиги, мадҳининг ихчамлиги билан фарқланади. Ушбу достончилик мактабининг йирик вакилларида бири Ўзбекистон халқ бахшиси Шодмон бахши Хўжамбердиевдир. У бугунги кунда Сурхондарё вилояти Шеробод туман 8-сонли Болалар мусика ва санъат мактабида ташкил этилган “Бахшичилик синфи”да ёш авлодга сабоқ бериш билан бир қаторда соҳа анъаналарини давом эттирмоқда.

Алломиш, Кунтуғмиш, Авазхон, Ойпарча каби ўнлаб достонларни завқ билан куйловчи Шодмон бахшининг ўз ижро услуби бор. У куйлаган достонлар бадиий мукамаллиги ва жозибadorлиги билан алоҳида ажралиб туради.

— Халқ достончиси сўз заргари бўлиши керак. Бу эса ўз навбатида табиий истеъдод, кучли идрок, мунтазам равишда кунт ва чидам билан машқ қилишни талаб этади, — дейди Шодмон бахши. — Бахши халқ турмуши ва маданиятини, ўзи яшаб тур-

ган юрт тарихини ва бирор соз чалишни билиши, ҳофизлик санъатини пухта эгаллаган бўлиши керак. У жонли халқ тилининг турли шаклларида, сўз ўйинлари ва қочиримларидан, халқ мақоллари ва ибораларидан унумли фойдалана олиши лозим.

Халқимизнинг ўлмас дурдонаси — достонлар матнларини мактаб дарслиқларига киритиш лозим. Фарзандларимизни миллий қадриятларимизга содиқ, ўзбекона руҳда тарбиялашда эзгуликка чорлайдиган, ватанпарвар, адолатли, мард, жасур бўлишга ундовчи достонларимизнинг ўрни бекиёс. Шунинг учун ҳам кўплаб достончилик мактабларини ташкил қилиш, ҳаётгий, халққа яқин, давримизга ҳамоҳанг достонларни яратиш лозим.

Юртимизда кейинги йилларда бошқа соҳалар қатори бахшичилик санъатига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. “Ўзбекистон халқ бахшиси” унвони таъсис этилишининг ўзи миллий қадриятларимизни тиклашга қаратилган юксак эътибор намунаси. Ҳозиргача фольклоршунос олимлар томонидан 300га яқин достон ном-



лари аниқланган бўлиб, улар миллий ўзлиқни англаш, тарихни ўрганиш, ўзбекона урф-одатларни тарғиб этишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Гулшода АМИНОВА, Сурхондарё вилояти

Театрлар ҳаётидан

Ижодий жамоага янги автобуслар топширилди



Самарқанд муסיқали драма театрига вилоят ҳоқими Эркинжон Турдимов томонидан замонавий автобуслар топширилди. Тантанали маросим жараёнида ҳоқим театр жамоаси билан учрашиб, эришилаётган ижодий ютуқлар ва мавжуд камчиликларнинг ечими ҳақида суҳбатлашди. Шунингдек,

яқинда саҳналаштирилган янги спектакль — “Она юраги”нинг тайёргарлик жараёнини ҳам кузатди.

Маҳмуджон Комилжонов асари асосида саҳналаштирилган “Она юраги” драмаси илк бор 14 февраль куни томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.



Истеъдод



Ёш рассомлар дунё кезади

Хоразм вилояти Гурлан туманидаги 9-сонли болалар муסיқа ва санъат мактабида тасвирий санъат йўналиши бўйича таълим олаётган Дилрабо Атабекова (3-синф) ва Камола Омонбоева (5-синф)лар халқаро кўрик-танловларда юқори ўринларни қўлга киритаётган фаол ўқувчилардан. Жумладан, Дилрабо Атабекова 2019 йил январь ойида Россиянинг Краснодар ўлкаси Мостовской шаҳрида бўлиб ўтган “Цветы предгорья” деб номланган ёш рассомлар халқаро кўрик-танловининг энг олий мукофоти – Гран-прини қўлга киритди.



Камола Аманбаева эса ўтган йили Қирғизистон Республикасининг “Барчын” болалар соғломлаштириш марказида буюк адиб Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигига бағишлаб ўтказилган “Иссиқкўл дўстларни чорлайди-2018” номи халқаро этно-карнавал доирасидаги V халқаро танловда муваффақиятли иштирок этган. У 11-13 ёшлилар тоифасида 1-ўринни эгаллаб, I даражали диплом билан тақдирланган. Шу билан бирга, Камола яратган асар-

лар Қирғизистон Республикасининг таълим ва фан вазирлиги томонидан таъсис этилган ёш рассомлар асарлар жамланма-каталогидан муносиб ўрин олди. Камоланинг устози Санъат Хўжашев ҳам Қирғизистон Республикаси Таълим ва фан вазирлиги томонидан ташаккурнома билан тақдирланди.

2019 йил ҳам Камола учун омадли келди. У январь ойида Россиянинг Новосибирск шаҳрида ўтказилган “Дети – таланты” деб номланган ёш рассомлар халқаро тан-

ловда иштирок этди. У чизган расмлари билан турли номинациялар бўйича 1-, 2-, 3- ва 4-ўринларни қўлга киритишга муваффақ бўлди. Камоланинг устозига ҳам кўрик-танловнинг нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан ушбу ўринлар бўйича куратор дипломлари тақдим қилинди.

Қадамбой ТОЖИМУРАТОВ,
Хоразм вилояти Гурлан туманидаги 9-БМСМ тасвирий санъат ўқитувчиси.

Истеъдод

Мақом усталаридан тухфа

Термизда Ўзбекистон давлат консерваториясининг анъанавий хонандлик кафедраси, Сурхондарё вилоят мақом ансамбли, вилоят ва шаҳар маданият маркази билан ҳамкорликда Алишер Навоий ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудига бағишланган назм ва наво кечаси бўлиб ўтди.

Тадбирда мақом усталари томонидан ҳазрат Навоий ва Бобур газалларига басталанган ашулалар куйланди. Ўзбекистон давлат консерваторияси анъанавий хонандлик кафедрасининг мақом ансамбли устоз санъаткорлари ҳамда вилоят мақом ансамбли жамоасининг чиқишларини томошабинлар олқишлар билан кутиб олдилар. Тадбирда Ўзбекистон халқ артисти Муножат Йўлчиева ҳам мақом дурдоналаридан куйлаб, барчани хушнуд этди.



Халқаро учрашув

Болалар учун саҳна асарлари яратишда ёш масаласи

15-19 февраль кунлари Ўзбекистон давлат ёш томошабинлар театрида “Ёш болалар учун мўлжалланган томошаларда ёш чегараларини белгилаш меъёрларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги Осие давлатлари АССИТЕЖ ташкилоти аъзолари учрашуви бўлиб ўтди.

Ижодий давра суҳбатида Евроосиё мамлакатларидан ташриф буюрган 20дан ортиқ театр усталари ва мутахассислар иштирок этди. Унда асосан, “Болалар театрида спектакллари саҳналаштириш жараёнида ёш жиҳатини аниқлаш мезонларини белгилаш” мавзусида фикр алмашинди.

мойиш этилди.

Шу ўринда айтиш жоизки, ўтган вақт мобайнида мазкур театрда болалар учун саҳна асарларини яратишнинг миллий мактаби ва анъаналари шаклланди. Шу кунга қадар саҳналаштирилган бир қатор спектакллар ёшларни ватанпарварлик,



Тадбирда сўзга чикқан Ўзбекистон Республикаси маданият вазирининг биринчи ўринбосари Озодбек Назарбеков, “АССИТЕЖ – Ўзбекистон” ижодий тузилмаси раҳбари, Ўзбекистон давлат ёш томошабинлар театри директори Зулфия Ҳамроева ва бошқа мутахассислар болалар учун бадиий етук саҳна асарлари яратиш нафақат театр ижодкорлари, балки ёшларга мўлжалланган томошалар уюштираётган ижодий жамоалар зиммасига ҳам катта масъулият юкланишини, шу асосда ҳар бир саҳна асарини болалар ёшини ҳисобга олиб саҳналаштириш лозимлигини таъкидлаб ўтишди.

Тадбирда сўзга чикқан Ўзбекистон Республикаси маданият вазирининг биринчи ўринбосари Озодбек Назарбеков, “АССИТЕЖ – Ўзбекистон” ижодий тузилмаси раҳбари, Ўзбекистон давлат ёш томошабинлар театри директори Зулфия Ҳамроева ва бошқа мутахассислар болалар учун бадиий етук саҳна асарлари яратиш нафақат театр ижодкорлари, балки ёшларга мўлжалланган томошалар уюштираётган ижодий жамоалар зиммасига ҳам катта масъулият юкланишини, шу асосда ҳар бир саҳна асарини болалар ёшини ҳисобга олиб саҳналаштириш лозимлигини таъкидлаб ўтишди.

Халқаро болалар ва ёшлар театрлари ассоциациясига 2018 йил Ўзбекистон давлат ёш томошабинлар театри негизда “АССИТЕЖ – Ўзбекистон” номи билан мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган барча болалар театрлари аъзо бўлди. Бу эса болалар театрига оид амалий ишларни янада такомиллаштириш, ундан халқаро театр жамоатчилигини кенгроқ боғабар этишда муҳим аҳамият касб этади.

Учрашув давомида Ўзбекистон давлат ёш томошабинлар театри, Ўзбекистон давлат кўчирчоқ театри томонидан саҳналаштирилган бир неча спектакллар намойиш этилди.

М. КАРИМОВА

Театр ҳаёти

Фаоллар кенгашди



20 февраль куни Ўзбек Миллий академик драма театрида Ўзбекистон Республикаси театр арбоблари уюшмаси фаоллар кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Ўзбекистон халқ артисти, уюшма раиси Екуб Аҳмедов бошчилигида ўтказилган ушбу йиғилишда фаоллар кенгаши аъзолари Маданият вазирлиги ҳамда пойтахт ва вилоятлар театрлари вакиллари, театршунос мутахассислар иштирок этдилар.

Йиғилишда уюшма фаолиятига доир айрим ҳужжатлар ўрганилди. Театрни янада ривожлантириш, соҳада фаолият юритаётган ижодкорларни қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги масалаларни амалга оширишга доир кўрсатмалар берилди.

Учрашув

Эл суйган актёрлар билан учрашув

Фаргона вилояти Кува туманидаги 13-Болалар мусиқа ва санъат мактабида таниқли актёр ҳамда эл суйган санъаткорлар — Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Ёдгор Саъдиев ҳамда Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов билан ижодий учрашув бўлиб ўтди.

Таассуротларга бой бўлган тадбирда устоз-мураббийлар, маданият ходимлари,

ижодкорлар, мусиқа ва санъат мактабида тахсил олаётган ўқувчилар ҳамда санъат ихлосмандлари иштирок этишди. Актёрлар ўз ижодларидан намуна сифатида монолоғлар ўқишди, шунингдек, мухлисларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

Учрашувда мусиқа ва санъат мактаби ўқувчилари ҳам ўз куй-қўшиқлари билан барчанинг олқишига сазовор бўлишди.



Буюклар ёди



“Кўҳна назм айвонида...”

Пойтахтнинг Яккасарой туманидаги Абдулла Қаҳҳор уй-музейида буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг 578 йиллиги ҳамда шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг 536 йиллиги муносабати билан “Кўҳна назм айвонида буюклар ёди” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Тошкент темир йўл мухандислари институти талабалари иштирок этишди.

Тадбирда ҳар икки ижодкор яратган асарларнинг ҳозирги кундаги юксак аҳамияти тўғрисида маърузалар тингланди, Навоий ва Бобурнинг ғазал ва рубоийларидан парчалар ўқилди. Талабалар ушбу мисраларнинг мазмун-моҳиятини таҳлил қилишди ва ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Давра суҳбатидан сўнг меҳмонларга музей заллари бўйлаб қизиқарли экскурсия ташкил қилинди.

Саҳна кўринишлари манзур бўлди

Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳридаги 20-Болалар мусиқа ва санъат мактабида Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг таваллуд кунлари муносабати билан маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Икки шоир ижодига бағишланган мазкур кечага Бекобод тумани ҳокимлиги вакиллари, “Тинчлик”, “Булоқарик”, “Бирдамлик” маҳалла фуқаролари йиғинлари аҳолиси, ота-оналар ва 99342-ҳарбий қисм офицер ва аскарлари таклиф қилинди.



Тадбирда мактабнинг анъанавий хонандалик ва чолғу ижрочилиги, мусиқа назарияси, тасвирий санъат, хореография, амалий ва театр санъати бўлимлари ўқитувчи ва ўқувчилари улғу бобоқалонларимизнинг рубоий ва ғазалларидан парчалар ўқишди, шунингдек, мазкур ғазалларга басталанган мумтоз куй-қўшиқлардан ижро этишди. Мактабнинг театр санъати бўлими ўқувчилари томонидан тайёрланган саҳна кўринишлари барчанинг олқишига сазовор бўлди.

Б.АҲМЕДОВ, Бекобод шаҳридаги 20-БМСМ директори.

Навоий ва Бобур Бухорода...

Бухоро вилоятининг Вобкент туманида туман маданият бўлими ҳамда 8-мусиқа ва санъат мактаби мақомчилар жамоалари иштирокида буюк аждодларимиз — Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурга бағишланган назм ва наво кечаси ўтказилди.



Тадбир давомида маданият бўлими ва мусиқа мактаби ўқувчилари Алишер Навоий ҳамда Бобур сиймоларини саҳнада гавдалантиришди, уларнинг ғазалларидан парчалар ўқишди. Шунингдек, икки шоир ғазаллари асосида куйланган мақом тароналар куйланди.

Кечада фаол иштирок этган ижодий жамоа Вобкент тумани маданият бўлими томонидан ташаккурнома билан тақдирланди.

Икки даҳо ижоди ёшлар талқинида

Жиззах вилоятининг Зомин туманидаги 12-Болалар мусиқа ва санъат мактабида Алишер Навоий ва Бобур ижодига бағишланган мақом кечаси бўлиб ўтди. Унда мусиқа мактабининг анъанавий хонандалик ва чолғучилик, театр синфлари ўқувчилари ҳамда ўқитувчи-мураббийлар иштирок этишди.

Мақом кечаси шу мактаб ўқувчиси Зарнигор Бозорованинг ҳазрат Навоий қаламига мансуб “Муножот” ашуласи билан бошланди. Айниқса, анъанавий хонандалик синфи ўқитувчиси Хушнида Исохонованинг халқ куйи билан айтиладиган “Кўшчинор” ашуласи барчага манзур бўлди. Шунингдек, ўқитувчилар — Икромжон Зарипов Бобур қаламига мансуб “Яхшилик” радибли ғазали билан, Икром Қўшназаров эса Навоийнинг “Сураий шамс” ғазали билан куйланадиган ашуларни тақдим этди. Театр синфи томонидан намоиш қилинган “Тули” саҳна кўриниши ҳамда анъанавий чолғучилик синфи ўқувчилари ижро этган қатор дилтортар куйлар ҳам йиғилганлар томонидан илиқ кутиб олинди.

Ў. ТОЖИБОВ, Зомин туманидаги 12-БМСМ ўқитувчиси.

“Лайли ва Мажнун”дан парчалар намоиш этилди

Бухоро вилоятининг Когон туманидаги 6-Болалар мусиқа ва санъат мактабида ҳам улғу аждодларимиз — Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудига бағишланган “Буюклар руҳини шод этиб” деб номланган назм ва наво кечаси бўлиб ўтди.

Тадбирда анъанавий ижрочилик ҳамда хонандалик синфи ўқувчи ва ўқитувчилари томонидан икки шоирнинг ғазаллардан намуналар ўқилди, улар асосидаги ашулалар ижро этилди.

Шунингдек, театр санъати синфи ўқувчилари Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достонидан саҳна кўринишларини намоиш этишди.



Ғазалхонлик кечаси

Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон шаҳридаги 2-Болалар мусиқа ва санъат мактабида театр ҳамда анъанавий хонандалик синфлари ўқувчилари томонидан Алишер Навоий таваллудининг 578 йиллиги муносабати билан “Назм ва наво” деб номланган кеча ўтказилди.

Мазкур тадбирга мактабнинг барча ўқитувчи ҳамда ўқувчилари, кенг жамоатчилик вакиллари, ота-оналар таклиф қилинди. Кечада буюк шоир ижодидан намуналар ўқилди, шу билан бирга Навоий ҳақидаги саҳна асарларидан парчалар намоиш этилди.



Таълим

Устозлардан маҳорат дарси

Наманган вилоятининг Чортоқ туманидаги 14-Болалар мусиқа ва санъат мактабида 15 февраль куни “Устоз сабоқлари” мавзусида маҳорат дарси ўтказилди. Наманган ихтисослаштирилган санъат мактабининг фортепиано бўлими ўқитувчилари — Феру-

за Бобожонова ва Гулнора Мустафоева иштирокида ўтказилган маҳорат дарсида мактабнинг фортепиано бўлими ўқитувчилари ҳамда ўқувчилари қатнашишди. Улар мазкур дарс давомида ўзлари учун керакли маслаҳат ва тавсияларни олишди.



Буюклар ёди

Қисқа сатрларда

Алишер Навоий таваллудининг 578 йиллиги ва Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг 536 йиллиги муносабати билан Фарғона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи ходимлари Марғилон шаҳридаги 2-давлат ихтисослашган умумтаълим мактаби ўқувчилари билан ҳамкорликда Увайсий уй-музейида “Буюк сиймолар” деб номланган тадбир ўтказди.

Ушбу кечада музей илмий ходимлари — У.Аҳмедова ва Ф.Хўжаевалар буюк мутафаккирларнинг ҳаёти ва ижоди, улар яратган ўлмас асарларнинг тарбиявий аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтишди.



Эълон

«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ

2019 йил 28 март куни бошлангич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибидagi очиқ аукцион савдоларини ўтказлади!

Аукцион савдоларига Тошкент ш. Яшнобод тумани Я.Ғуломов кўчаси, 70-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси балансидаги 1998 й. и/ч, д/р 01/171SBA, бошлангич нархи 8 355 000 сўм бўлган “ГАЗ 3110” русумли;

Тошкент ш. Юнусобод тумани Амир Темур 1-тор кўчаси, 6-уйда жойлашган “Toshyo'lovchitransxizmat” УК балансидаги 2007 й. и/ч, д/р 01/039LBA, бошлангич нархи 19 789 700 сўм бўлган “ГБАСПГ ГАЗ31105-115”;

2003 й. и/ч, д/р 01/3830BA, бошлангич нархи 23 144 400 сўм бўлган “НЕКСИЯ”;

2004 й. и/ч, д/р 01/047LBA, бошлангич нархи 17 613 100 сўм бўлган “ГБАСПГ МАТИЗ”;

2004 й. и/ч, д/р 01/043LBA, бошлангич нархи 8 937 100 сўм бўлган “ГБАСПГ ДАМАС”;

2004 й. и/ч, д/р 01/042LBA, бошлангич нархи 13 914 200 сўм бўлган “ГБАСПГ ДАМАС” русумли автотранспорт воситалари қўйилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан 2 (икки) кун аввал соат 18-00да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошлангич нархнинг камида 20 фоизи миқдоридagi закалат пули “TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO” МЧЖнинг АТИБ “Ипотекабанк” Шайхонтохур филиалидаги ФА:00425, СТИР:302071274, 2020 8000 7049 2951 8001 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Мазкур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда, улар бўйича такрорий аукцион савдолари, улар сотилгунга қадар навбатдаги ҳафтааларнинг ҳар пайшанба кунлари ўтказилади. Ушбу автотранспорт воситаларига қизиқиш билдирган талабгорлар, уларнинг ҳолати билан сотувчи ташкилотларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилларига бориб танишишлари мумкин.

Аукцион савдолари соат 15-00да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-“А”-уй, 3-қават, 307-хона (Мажлислар зали).

Мурожаат учун телефон: 233-23-40; телефон: 233-23-40, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru.

Шунингдек, “TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO” МЧЖ томонидан 2019 йил 31 январь ва 7 февраль кунлари ўтказилган очиқ аукцион савдоси натижаларига кўра, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ “Марказий амалиёт” минтақавий филиали балансидаги д/р 01/295CBA бўлган “ДАМАС” – 31 000 000 сўмга; Қишлоқ ва сув хўжалигида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш маркази балансидаги д/р 01/074ZBA бўлган “DAMAS” – 11 500 000 сўмга; Ўзбекистон Республикаси ИИБ ППХ ва ЖТСББга бевосита бўйсунувчи Хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналарини кўриқлашни таъминлаш бўйича алоҳида батальони балансидаги д/р 01/344VSB бўлган “ГАЗ 3307” – 25 500 000 сўмга сотилгани маълум қилинади.

Гувоҳнома № 005357



Қашқадарё вилоят Маданият бошқармаси тасарруфидаги намунали мақом ансамбли Муборак нефтни қайта ишлаш заводи ишчи-хизматчиларининг таклифига биноан тумандаги 11-Болалар мусиқа ва санъат мактабида бўлиб, Алишер Навоий ва Бобур таваллуд топган саналар муносабати билан “Назм ва наво кечаси”ни ўтказишди.

Тадбирда буюк сиймоларимизнинг газаллари билан куйланадиган мақом ашулалар янгради. Концерт ниҳосида завод раҳбарияти ансамбль жамоаси ва бадиий раҳбари Ёдгор Бозоровга алоҳида миннатдорчилик билдирди.



Андижон вилоятининг Марҳамат туманида ҳам Ўзбекистон Халқ демократик партияси туман кенгаши, 26-Болалар мусиқа ва санъат мактаби ҳамда тумандаги касб-хўнара коллежлари ҳамкорлигида Навоий ва Бобур таваллуд топган саналарга бағишланган шеърхонлик ва газалхонлик кечалари ўтказилди.



Навоий ихтисослаштирилган маданият мактабининг “Ўқувчи-ёшлар уйи” тарбияланувчилари ҳам Бобур таваллуд топган кун муносабати билан “Ким ёр, анга илм толиби илм керак” мавзусида бадиий кеча ўтказишди. Тадбирда Бобур ҳаёти ва ижодини акс эттирган сахна кўринишлари намоиш этилди. Шоирнинг рубойи ва газалларидан намуналар ўқилди.

Термиз шаҳридаги “Ёшлар маркази”да Бобур таваллудининг 536 йиллиги муносабати билан концерт тадбири бўлиб ўтди. Унда Термиз ихтисослаштирилган санъат мактаби ўқитувчи ҳамда ўқувчиларидан ташкил топган мақом жамоаси ҳам фаол иштирок этди.



Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳридаги 2-Болалар мусиқа ва санъат мактабида ҳам Алишер Навоий ва Бобур таваллудига бағишланган “Назм ва наво бўстонига саёҳат” деб номланган байрам кечаси бўлиб ўтди.

Мактаб ўқувчилари Бобурнинг ватанга бўлган муҳаббати, соғинчини акс эттирувчи “Андижонни эслаб” деб номланган сахна кўринишини моҳирона талқин этиб, ташриф буюрганларнинг олқишига сазовор бўлишди.



» Такдимот

Сахнада —
янги
спектакль

Қашқадарё вилоят мусикали драма театрида Туроб Тўланинг “Нодирабегим” асари асосида янги спектакль Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, таникли режиссёр Баҳодир Йўлдошев томонидан сахналаштирилди.

Вилоят театри ва “Дийдор” театр студиялари билан ҳамкорликда томошабинлар эътиборига ҳавола этил-

ган сахна асариди бош қаҳрамонларни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ойгул Халилова (Нодирабегим), Ойниса Бобоева (Увайсий), Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Исоқ Тўраев (Амир Насрулло) ҳамда Сарвар Бадилов (Адо), Баҳром Болтаев (Махмур), Фурқат Рўзимуродов (Гулханий), Аббос Алиев (Умархон) каби актёрлар ижро этишди.



» Вилоят кўғирчоқ театрларида


“Бобур ҳақида қисса” тез орада тақдим этилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республикада миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарориди “замонавий пьесалар, миллий мумтоз, жаҳон классик асарлари асосида театрларнинг узоқ муддатли репертуарини шакллантириш” ҳам миллий маданиятни ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланган.



Андижон вилояти кўғирчоқ театрининг ижодий ходимлари шу қарор асосида, болажонларга миллий маданиятимизни тарғиб этувчи янги спектаклни тақдим этиш тараддуиди. Айни пайтда мумтоз адабиётимиз вакили, шоҳ ва шоир Заҳрирдин Муҳаммад Бобур таваллудининг 536 йиллиги муносабати билан сахналаштирилган ушбу тарихий-эртак спектакль етакчи мутахассислар кўригига топширилди.

“Шерюрак ёхуд Бобур ҳақида қисса” спектаклида Бобур Мирзонинг туғилиш онларидан тахтта ўтиргунича бўлган болалик даври қизқарли воқеалар асосида ҳикоя қилинади. Бобурнинг туғилиши билан ёвуз ниятли кимсалар — Абу Жоҳил ва хизматкорининг тинчи йўқолади. Чақалоқ ноёб қобилият билан дунёга келади. Ушбу қобилиятдан ёвуз кимсалар ўз манфаатлари йўлида фойдаланиш мақсадида, бола 10 ёшга тўлганида уни ўғирлаб кетишади. Бобур эса ёмонлар қўлидан ўз билими ва заковати ила халос бўлади...



Спектаклда Заҳрирдин Муҳаммад Бобурнинг рубоий ва ғазалларидан фойдаланилди.

Рашид Чўққиев ва Мансурбек Рўзиев муаллифлигидаги “Шерюрак ёхуд Бобур ҳақида қисса” асари бош режиссёр Дилмурод Шайхов, расом — Альфия Жабборовалар томонидан сахналаштирилган.

Спектаклда Бобур ролини жонлантирган актриса Нигора Казакова ҳақида мутахассислар илиқ фикрларни билдиришди. Саҳна декорацияси, кўғирчоқлар ҳаракати, воқеалар ривожининг пухталиги, томошабин онгига таъсир этувчи сюжетлар алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Спектакль кўригиди жажжи томошабинларга буюк ажодларимизни кўғирчоқлар тимсолида намойиш этган театр ходимларига миннатдорчилик билдирилди. Шунингдек, берилган тақлиф ва тавсиялар асосида камчиликлар тузатилиб, тез кунда спектакль премьерасини тақдим этиш режалаштирилди.

» Ташриф

Хорижлик актёрлар кўғирчоқ театрида

20 февраль куни Хиндистон ва Покистон АССИТЕЖ раҳбарлари Бухоро вилоят кўғирчоқ театрига ташриф буюришди.

Театр директори П.Имомназаров билан келишувга асосан уюштирилган ташриф доирасида актёрлар билан ижодий учрашув ўтказилди. Унда соҳа вакиллари ўз тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Учрашув якунида ижодий жамоа репертуаридан ўрин олган “Маккора табиб” спектакли намойиш этилди.



» Реклама ҳуқуқи асосида



“Сайқал” ланаётган қадриятларимиз

Бугун элимизга халқ оғзаки ижодидан турли қадимий кўшиқлар, лапар ва айтишувлардан иборат ижод намуналарини тақдим этиб келаётган Андижон вилояти Шаҳрихон туман маданият маркази қошидаги “Сайқал” фольклор этнографик ансамбли 1996 йили устоз санъаткор, “Чашма” ашула ва рақс халқ ансамбли бадий раҳбари Абдулаҳад Баҳромов ташаббуси билан ташкил этилган эди. Етти ёшдан олтимиш ёшгача бўлган 35 нафар ансамбль аъзоси бугун ҳам қизгин фаолият юритмоқда.

“Сайқал” фольклор этнографик ансамбли 2017 йил апрель ойида пойтахтдаги “Ўзэкспомарказ”да ўтказилган V Халқаро Ўзбектуризм кўргазмасида хуудга хос фольклор, кўшиқ, лапарлар, жозибали рақслари билан қатнашиб, I ўринга муносиб топилган. Ансамблнинг 2018 йил 17-22 март кунлари “Ўзэкспомарказ” ва А.Қодирий боғида ўтказилган “Наврўз сайли” байрам тантаналарида намойиш этилган 60 дақиқалик концерт дастури нафақат миллатдошларимиз, балки хорижий сайёҳларнинг ҳам олқишу эътирофларига сазовор бўлди. Бундан ташқари, ансамбль 2018 йилнинг 30-31 май кунлари Навоий вилояти Нурота шаҳрида ўтказилган “Нурли наволар” халқаро фольклор фестивалидаги чиқишлари билан III ўринни эгаллаб, диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланган.

“Сайқал” аъзолари 2019 йилни ҳам доимгидек, шижоат ва кўтаринки кайфиятда янги режалар билан бошлади. Улар январь ойида “Ватан ҳимояси — муқаддас бурч” деб номланган мусиқий композициясини тайёрлаб, ватанимиз ҳимоячиларини қутлашди. Яқиндагина эса буюк мутафакирларимиз — Алишер Навоий ва Заҳрирдин Бобурнинг таваллуд кунларини муносабати билан туман маданият маркази ва 24-БМСМда “Навоий бобомиз — сўнмас кўшимиз”, “Андижоним қолди менинг” мавзуларида адабий-мусиқий кеча ташкил қилишди. “Ижро санъати” йўналишида анъанавий, мақом ашулалардан тузилган концерт дастури барчага кўтаринки кайфият улашди.

Ансамбль аъзоларининг келгусидаги режалари катта. Улар чорак аср давомида сайқаланиб келаётган номоддий маданий меросимизни нафақат Ўзбекистонда, балки хорижий мамлакатларда ҳам намойиш этиш истагидалар.

» Р. МАҲАМАДОВ

Шаҳрихон тумани маданият маркази директори

МАДАНИЯТ ОБУНА ИНДЕКСИ: 285

МУАССИСЛАР:
“Ўзбекистон
Республикаси
Маданият
вазирлиги,
«Dildosh media» МЧЖ

Бош муҳаррир
Дилбаҳор Худойбердиева
Таҳририят манзили:
100029, Тошкент шаҳри, Тарас
Шевченко кўчаси, 1.
Тел.: Факс: (371)-256-04-54

Газета ҳафтанинг пайшанба куни чоп этилади.

Газета Ўзбекистон
Магбуот ва ахборот
агентлиги томонидан
10.04.2018 й. 0803 рақами
билан давлат
рўйхатидан ўтказилган.

Таҳририятга келган қўлёзмалар қайтарилмайди ва ёзма жавоб берилмайди. Мақолада келтирилган факт ва асосларга муаллиф жавобгар, унинг фикри таҳририят фикридан фарқланishi мумкин. «Маданият» материалларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.

Нашр учун масъул: Муҳаббат Шарифова
Навбатчи муҳаррир: С.Рихсиева
Навбатчи: Н. Содиқова
Адади - 9 889 Буюртма - Г - 227
Сотувда келишилган нарҳда
Қоғоз бичими А-3, Ҳажми 2 босма табоқ

Газета “Шарқ” наشريёт-
матбаа акциядорлик компани-
яси босмаҳонасида
чоп этилди.
Қорхона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 42.
Босмаҳонага топшириш
вакти - 20.00
Топширили - 20.00
1 2 3 4 5